


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ ҲАЙЪАТИ РАИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР Йўналишларини муҳокама қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Евроосиё иқтисодий комиссияси Ҳайъати раиси Михаил Мясниковични қабул қилди.



Евроосиё иқтисодий иттифоқи доира-сида, энг аввало, савдо, sanoat кооперацияси, транспорт ва логистика, инновациялар, миграция ва туризм соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ку-затувчи давлат сифатида ташкилот тузил-малари билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйганини алоҳида таъкидлади. Тегишли меморандум ва 2023 йилларга қадар даврга мўлжалланган Қўшма тadbир-лар режаси амалга оширилмоқда. Бугун

Ҳамкорликнинг қўшимча йўналишлари рўйхати имзоланди. ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари ижобий суръат билан ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш,

sanoat кооперациясини кучайтириш ва ишбилармонлик aloқаларини рағбат-лантириш, лойиҳавий ҳамкорликни ривож-лантириш, транзит соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, миграция тартиботларини соддалаштириш ва ўзаро сайёҳлар oқимини кенгайтириш маса-

ларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма Ишчи гуруҳнинг навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 12 июль куни Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда энергетика соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларга оид тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Жорий йил боши-дан буён ўзаро савдо ҳажми икки баробар кўпайди, мамлакатимиз-да 45 та янги қўшма корхона таш-кил этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўплаб иқтисодийёт тармоқларини қамраб олган. Шулардан энг му-ҳимларидан бири энергетикадир.

Ўтган йили Навоий вилоятида юртимиздаги биринчи кўёш электр станцияси айнан Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компа-нияси билан ҳамкорликда ишга ту-ширилган эди. Бугунги кунда у бир кеча-кундузда 1 миллион 180 минг киловатт/соат электр энергияси етказиб бермоқда.

Бу соҳада яна 5 та йирик лойи-ҳани амалга ошириш келишилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларни таш-кил этади. Хусусан, “Mubadala” ва “Taqa” компаниялари билан ҳам-корликда Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлашти-риш ва қувватини ошириш, “Masdar” компанияси билан Навоий вилоятида шамол, Сурхон-дарё, Самарқанд ва Жиззах вило-ятларида кўёш электр станцияла-рини қуриш мўлжалланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, жорий йилдан Бирлашган Араб

Амирликлари билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича янги ти-зим йўлга қўйилди.

Йиғилишда энергетика соҳаси-даги лойиҳалар ижроси ана шу ти-зим асосида кўриб чиқилди.

Мутасаддилар лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати ва йил якунигача мўлжалланган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу лойи-ҳалар энергетика тизими барқа-рорлигига ҳамда иқтисодийёт тар-моқларига инвестиция oқими яна-да кўпайишига замин яратишини таъкидлади.

Талимаржон иссиқлик электр станциясини хусусийлаштириш ҳақида сўз борар экан, бу лойиҳа иссиқлик электр станцияларини бошқариш ва энергия ишлаб чиқаришда намунавий бўлиши кераклиги қайд этилди.

“Masdar” компанияси билан қайта тикланувчи энергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар 2030 йилгача мамлака-тимизда “яшил энергетика” улу-шини 25 фоизга етказишда муҳим кадам бўлади. Шу боис лойиҳа-ларни амалга ошириш бўйича за-рур битим ва ҳужжатлар имзолаш-ни тезлаштириш муҳимлиги кўраса-тиб ўтилди.

ЎзА.

Мулоқот

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Эрон Ислom Республикаси Ислomий Кенгаш Мажлисининг раиси Муҳаммад Боқир Қолибoф бошчилигидаги делегация юртимизга расмий ташриф билан келди. Меҳмонни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинхон Исмоилов кутиб олди.

3

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСНИ Қўллаб-қувватлади

11 июль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустақамлаш бўйича махсус резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Ҳужжатни Нью-Йорқда ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Президентининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов тақдим этди.

Эътироф

Мазкур резолюциянинг қабул қили-ниш Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Тошкент шаҳрида 2021 йил июль ойида бўлиб ўтган “Мар-казий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкони-ятлар” мавзусидаги халқаро конферен-цияда илгари сурилган ташаббуснинг амалий натижаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари ушбу муҳим ан-жуманда сўзга чиқиб, Марказий ва Жа-нубий Осиё минтақаларининг тарихий яқинлигини қайд этиб, ушбу муноса-батларни ўзаро ишонч ва ўзаро ман-фаатларни ҳисобга олган ҳолда мус-

таҳамлаш муҳимлигини таъкидлаган-ди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президенти тегишли резолюция лойи-ҳасини ишлаб чиқиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясига киритиш, унда Марка-зий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мулоқотнинг умумий ёнда-шувлари, асосий тамойиллари ва йўна-лишларини белгилаб қўйишни таклиф қилган эди.

Ўтган йил Тошкент конференцияси-да дунёнинг 50 та давлатидан мисли қўрилмаган таркибда делегациялар иштирок этганини таъкидлаш лозим. Конференциянинг 600 га яқин деле-

гатлари орасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирилари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар етакчилари бор эди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш форум иштирокчи-ларига видеомурожаат йўллаб, ўзаро боғлиқлик Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо, иқтисодий ўсиш ҳамда барқарор ривожланишда муҳим роль ўйнашини, узоқ муддатли тинч-лик, барқарорлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўишни мумкинлигини таъкидлаган эди.

Эътиборлиси, резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томони-дан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки дунёнинг турли қитъаларида жойлашган 40 га яқин мамлакатлар ҳаммуаллифлигида қабул қилинди. Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси-нинг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилганининг халқаро ҳам-жамият томонидан юсак эътироф этилганининг ифодаси бўлди.

2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 7 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 8 июлда маъқуланган

Ушбу Қонун махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига фойда солигини тўлашдан озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларини бериш шартларини, шунингдек мазкур имтиёзларнинг қўлланилиш тартибини ва муддатларини белгилайди.

(Давоми 2-бетда).

22

ФИКР ТАРБИЯСИ

ҲАМЖИҲАТЛИК, МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИДИР

Одам ўзгармагунча, олам ўзгармайди, дейишди машойиҳлар. Яъни инсон тафаккури ўзгармас экан, уни қуршаб турган муҳитдаги ўзгаришлар самара бермайди. Ёки аксинча, жамиятдаги барча бўлиниш, бузилиш, парчаланлишлар замирида инсон ахлоқи ва тафаккури туради. Алишер Навоий бобомиз таъбири билан айтганда:

Ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

Инсон нимагаки етишган бўлса, у идрок билан эришди. Унинг онгу шуури, тафаккурининг юксалишида миллий қадриятларнинг алоҳида ўрни бор. Инсон ўз кечмишини идрок қилиб, ундан сабоқ чиқаришни ўрганди. Бу буюқ замирида сабоқ чиқариш эртанги кунни идрок этишга олиб келади. Ёхуд инсоннинг миллий қадрият-лардан узоқлашиши, унинг табиатидан, ўзлigidан узоқлашишини, ақл-идроки ҳали фожиани, сабоқни тўла англамага-нини билдиради.

Олис тарихдан бугунга қадар турли эллар, элатлар, мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, қизоларга инсон маънавияти, идроки, тафаккури билан боғлиқ муаммолар асос бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Яъни бу зиддиятлар замирида инсонни туғилган замини, ўзи яшаб турган муҳитига бегона этиш, асл қадриятларидан айириш орқали унинг онгида, тафаккурида бўлинишларни пайдо қилиш ва шу орқали жамиятда парокандаликни яратишга интилишлар ётибди. Кечмишдан сабоқ чиқармаслик идрок мажруҳлигини, идрок мажруҳлиги яшаш тарзи мажруҳлигини билдиради.

Кечмишдан чиқарадиган энг катта сабоқлардан бири маънавий бирлиқнинг, жипслиқнинг бой берилиши oқиб-атида жамият ва салтанатларнинг парокандаликка учра-ди.

ганлигидир. Парокандалик эса эришилган барча ютуқ-лар, зафарларнинг йўққа чиқиши билан хулоса қилинган. Тарих саҳнасида кечаётган воқеаларга назар ташлар экан-миз, ҳамжиҳатлик ва жипслик, яхлитлик, ягона мақсад йўлида бирлашиш тараққиётнинг, салтанатлар юксали-шининг асоси бўлганини англаймиз. Бу сабоқ бизга бугун нақадар зарур эканлигини теран ҳис этамиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча инсонларга мурожаатида таъ-кидлаганидек, “...мамлакатимизда яшаётган тур-ли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, гўзал дийримизда барқарор ва бардавом тараққиёт-ни таъминлаш, халқимизнинг бунёдкорлик са-лоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончи-ни ошириш барчамизнинг, аввало, раҳбар ва мутасаддиларнинг нафақат вазифаси, балки муқаддас инсоний бурчидир”.

4

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

1-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1099-модда; 2022 йил № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **473-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари фойда солиғини қўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб: 3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун – 3 йил муддатга; 5 миллион АҚШ долларидан 15 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдордаги инвестициялар учун – 5 йил муддатга; 15 миллион АҚШ доллар ва ундан юқори миқдордаги инвестициялар учун – 10 йил муддатга озод этилади»; **иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин; **учинчи қисмида**ги «Ушбу модданинг биринчи қисмида» деган сўзлар «Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин; 2) **474-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати махсус иқтисодий зона ҳудудига ишлаб чиқариш (хизматлар) объекти фойдаланишга қабул қилинган санадан эътиборан ҳисобланади»;

иккинчи ва учинчи қисмлари

тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **483-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчиларга нисбатан улар томонидан киритилган, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, мазкур иштирокчилар реестрга киритилган пайтдан эътиборан 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга тўлиқ қўлланилади. Ушбу қисмининг қоидалари ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддатида нисбатан татбиқ этилмайди».

2-модда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

3-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 13 июль № ЎРҚ—783

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСНИ Қўллаб-қувватлади

Ўзбекистон томонидан тайёрланган ҳужжатга ҳаммуаллиф бўлган давлатлар орасида Озарбайжон, Арманистон, Ангола, Вьетнам, Вануату, Гана, Куба, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Кот-д’Ивуар, Қатар, Миср, Эрон, Непал, Малайзия, Мўғулистон, Марокаш, Покистон, Россия, Сенегал, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Шри-Ланка, Филиппин ва бошқалар бор. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош маслаҳат органи томонидан қабул

қилинган резолюцияда ушбу олий даражадаги конференция ўтказилиши ва унинг якунида икки минтақа ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланган қўшма баёнот юксак баҳоланган. Ҳужжатда Вена декларацияси ва унинг денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун 2014 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурини амалга ошириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш муҳимлиги, шунингдек, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда ҳамда

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий aloқалар, уларнинг ноёб транспорт, транзит ҳамда сармовиявий салоҳиятини рўёбга чиқаришда транспорт ва транзит йўлакларининг юқори аҳамияти таъкидланган. Бундан ташқари, қарорда минтақавий aloқаларни мустаҳкамлашда ҳудудий ташкилотларнинг муҳим ўрни эътироф этилган. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президентининг 2022 йилни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида «Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилиш бўйича ташаббусига юксак баҳо берилган. Резолюцияда Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги aloқаларни ўрнатишдаги роли, шунингдек, мустаҳкам тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш йўлида ушбу мамлакатнинг ривожланиши ва минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашувининг муҳимлиги ҳам урғуланган.

Унда Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида қашшоқликни камайтириш, озик-овқат хавфсизлигини ошириш, транспорт инфратузилмасини кенгайтириш, денгиз портларида қулай, барқарор ва хавфсиз йўналишларни очадиган янги халқаро транспорт йўлакларини шакллантириш бўйича асосий ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича асосий қоидалар ўз ифодасини топганини aloҳида таъкидлаш лозим. Ҳужжатда барқарор ривожланишга, жумладан, тоза энергия ҳосил қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича технологиялардан

фойдаланишга имконият яратиш орқали ўзаро тажриба алмашиш муҳимлигига aloҳида урғу берилгани эътиборни тортади. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг жорий йил 25-26 июль кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказиш ниятини олқишлади. Ушбу форум Афғонистонга зарур ёрдам кўрсатиш ва уни минтақавий жараёнларга фаол жалб этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда яна бир амалий қадам бўлишига ишонч билдирилди. Резолюция, шунингдек, БМТга аъзо барча давлатларни Марказий ва Жанубий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликка умумий таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши курашда кучларни бирлаштиришга чақирди. Мазкур резолюциянинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилингани Ўзбекистон раҳбариятининг икки минтақа ўртасида тинчлик ва дўстлик, ишонч ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий aloқаларни ривожлантириш ва ўзаро инвестициялар ҳажмини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, барқарорлик ва хавфсизликка умумий таҳдидларга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган давлат сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганининг афқол ифодаси бўлди.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧИЛМОҚДА

Жорий йил 11 июлда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган навбатдаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Фикр

Эслатиб ўтамиз, сўз юритилган йўналишдаги резолюция “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент конференцияси доирасида давлатимиз раҳбари илгари сурган тақдирлар асосида, 40 та давлат ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилган бўлиб, у БМТ аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди. Шунинг ўзидек янги Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги нуфузи ортиб, ўз айтар сўзи ҳамда муносиб ўрнига эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради.

Қабул қилинган резолюцияда иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва икки йirik минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда Афғонистонда тинчлик-барқарорлик ўрнатишга қаратилган халқаро ҳамжамиятнинг умумий саъй-ҳаракатлари aloҳида кўрсатиб ўтилган. Айни чоғда унда ҳар икки минтақа учун бир қатор долзарб ташаббуслар акс этган бўлиб, улар амалга оширилиши савдо-иқтисодий ва гуманитар aloқаларга ўзининг ижобий таъсири-ни кўрсатиши, шубҳасиз. Мазкур ҳужжатда транспорт ва

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини кенгайтириш, шунингдек, денгиз портларида арзон ҳамда хавфсиз йўл очувчи янги халқаро транспорт йўлакларини шакллантириш орқали Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш ҳамда ривожлантириш ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳудудларнинг моддий ва номоддий маданий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш, туризмни ривожлантириш, халқ дипломатиясининг муҳим омиллари бўлган фан-техника соҳасида aloқаларни йўлга қўйиш масалаларига кенг урғу берилган. Ўз навбатида, резолюцияда икки минтақа мамлакатларининг 2030 йилга мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун шериклиги давом эттиришдан, “яшил энер-

гетика” соҳасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдорлиги ўз ифодасини топган. Шу ўринда бу ҳужжатнинг парламент дипломатиясини ривожлантириш борасидаги аҳамияти улкан эканлигини ҳам таъкидлаш зарур. Ишонамизки, резолюцияда белгиланган устувор йўналишлар эндиликда Ўзбекистон парламенти аъзоларининг халқаро фаолиятида ҳам дастуриламал вазиасини ўтайди. Шундай экан, резолюцияда кўзда тутилган йўналишларни тўлиқ рўёбга чиқариш биз, парламент аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Хусусан, минтақалар давлатлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, уларнинг барқарор ривожини таъмин-

лаш мақсадида парламент дипломатияси институтини ресурсларидан самарали фойдаланиш аини зарурат, деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда, БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси минтақаларимиз давлатлари ўртасидаги ришталари ривожда янги саҳифа очиб бераётганлиги билан янада қимматлидир. Зеро, у минтақалар давлатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо aloқалари ҳамда илмий ва маданий алмашинувлари янада ривожлантириш, муумми, бу борадаги минг йиллик аънаналарни тиклашга йўналтирилган бўлиб, уни изчил рўёбга чиқаришдан барча давлатлар бирдек манфаатдор.

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий aloқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизда айни кунларда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қизгин давом этмоқда.

Муҳокама

Хусусан, Чилонзор тумани ҳокимлигида Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифланган шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Конституциявий комиссиянинг Илгма ахборот-таҳлил ишчи гуруҳи аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Хусанова иштирок этди ва Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар берди. Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни конституциявий даражада қафолатлаш имконини беради. Унда белгиланаётган нор-

малар ижтимоий давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим ҳуқуқий қафолати, “Инсон қадри учун” ғоясининг тўла рўёбга чиқишига хизмат қилади. Учрашувда қайд этилганидек, амалдаги Конституциямизнинг 64 моддасига 200 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, “Инсон — жамият — давлат” принциплари асосланган қатор тартиб-қоидалар ўз аксини топаётганлиги aloҳида аҳамиятга эга. Депутат, шунингдек, Чилонзор туманидаги “Дўмбировод” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан ҳам учрашувлар ўтказиб, Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини, унда ўз ифодасини топаётган янгиликлар аҳамиятини батафсил тушунтирди.

Учрашувда сўзга чиққанлар инсон манфаатига дахлдор ўзгаришларнинг киритилиши халқпарвар давлат барпо этишнинг асосий омил эканлигини таъкидлаб, Конституциявий қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш борасида ўз тақлифларини билдирди. Депутатнинг Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан пойтахт маҳаллаларидаги тушунтириш ва тарғибот ишлари давом этапти. * * * Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги маҳаллаларда ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси маҳалла фаоллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирокчида қизгин ўтмоқда. Учрашувларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматова лойиҳага киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида атрофлича маълумотлар бераётди.

Қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳасига киритилаётган нормаларнинг аксарияти мазмун-моҳиятига кўра, “Инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган таомилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлашга, халқпарвар давлат барпо этишга, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ёшлар манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган. Мулоқотларда қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, зарур тақлифлар илгари сурилди. Туманининг “Нурафшон” ва “Обод” маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи бир гуруҳ аҳоли Конституциявий қонун лойиҳасини такомиллаштириш борасидаги илоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирди. Депутатнинг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 13 июль № ЎРҚ—783

Халқаро конференция

Ўзбекистон ва Туркменистон: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон ва Туркменистон: ҳамкорликнинг янги тарихий босқичида ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Марказий Осиё халқаро институтини ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро муносабатлар институти билан биргаликда ташкил этилган анжуман ишида икки мамлакатнинг қатор давлат муассасалари ва таҳлил тузилмалари, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ушбу вазирлик ҳузуридаги Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази, Туркменистон Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро муносабатлар институти қошидаги Стратегик тадқиқотлар илмий маркази ва бошқа идоралар вакиллари қатнашди. Анжуман аввалда Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро муносабатлар институти ректори Жумамират Гурбангелдиев иштирокчиларга табирик сўзи йўллади. Экспертлар ўзбек — туркман ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, мамлакатларимиз ўртасида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасида ўзаро ҳамкорлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Икки мамлакат давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва ўзаро муносабатларнинг янги ёндашувлари туфайли сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар aloқаларни салмоқли кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бүтун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, тинчлик ва жадал тараққиётни янада ривожлантиришга куч бағишлагани айтилди. Марказий Осиё халқаро институти директори А. Носиров таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Туркменистон Республикалари муносабатларидаги конструктив ҳамда ишончли ҳамкорлик икки қардош давлатнинг манфаатларига тўла жавоб беради, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Давлатларимиз муносабатларида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик марказий ўрин тутди. Агар 2016 йилда ўзаро товар айирбашлаш ҳажми 200 миллиондан салгина ошган бўлса, 92 йил якунилари бўйича ушбу рақам 2021 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, авваллари ўзаро савдо айланмаси ҳажми бундай динамика намоиш этмаган. Ўтган йили Туркменистон Ўзбекистонга товар ва хизматлар экспортининг ҳажми ҳамда сурьати ўсиши бўйича ўнта мамлакат қаторидан ўрин олди.

Агросаноат комплекси, автомобилсозлик ва енгил саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш кооперациясининг кенгайиши, транспорт ҳамда aloқа тизимидаги муносабатларнинг ривожланиши, шунингдек, икки мамлакат компанияларининг Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудларидаги йirik инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилиши янги иш ўринларининг очилишига, тармоқлар даражасида кооперация aloқаларини мустаҳкамлашга, қардош халқлар фаровонлигининг янада ошишига замин яратмоқда. Бугун қадимий Бухоро шаҳрида

биринчи Минтақалараро форум ҳамда мамлакатларимиз Ишбилармонлар кенгашининг мажлиси ўтказилади.

Сўзга чиққанлар эътироф этганидек, бугунги кунда Туркменистон Марказий Осиёнинг асосий транзит давлатларидан бирига айланиб бормоқда. Унинг ҳудуди ташлаётгани эътиборларига, у орқали Форс кўрфазини портларига ўзбек маҳсулотларининг катта юк oқими ташлаётгани эътиборига молик. Томонлар Ўзбекистон — Туркменистон — Каспий денгизи — Жанубий Кавказ транспорт йўналиши салоҳиятидан максимал фойдаланиш устида биргаликда иш олиб боришаётир. Мазкур йўлак Грузия, Туркия, Руминия ва бошқа давлатларнинг Қора денгиз портларига биргаликда чиқиш имконини беради.

Туркменистон Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Халқаро муносабатлар институти ректори Ж. Гурбангелдиев конференция иштирокчилари эътиборини икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигига қаратди. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг фан, таълим ва маданият соҳаси вакиллари мустаҳкам aloқаларни йўлга қўйган бўлиб, икки республика ҳудудига ташкиллаштирилган тадбирларда фаол иштирок этишмоқда.

Тошкент шаҳрида туркман шоири, файласуф ва адабиёт кўйчиси Махтумқули кўчасининг очилиши, «Ашҳобод» паркиннинг ишга туширилиши, Хоразм вилоятида ўзбек — туркман дўстлик уйи ҳамда «Улли ҳовли» мажмуасининг таъсис этилиши абадий дўстлик ва маданий бирлик ҳамда яқинлиқнинг ёрқин далолати. Ўз навбатида, Туркменистон пойтахтида Алишер Навоий ҳайкали ўрнатишган.

Сўзга чиққанлар расмий Тошкент ва Ашҳободнинг нафақат икки томонлама aloқаларини янада мустаҳкамлашдан, балки Марказий Осиё минтақасининг умумий барқарор ривожланиш таъминлашшидан манфаатдорлигини билдирди.

Халқаро конференция иккита сессияда давом этди. «Сиёсий-иқтисодий шўхда барқарор ривожланишнинг янги имкониятлари» ҳамда «Ижтимоий-гуманитар ҳамкорлик: тажриба ва истиқболлар» деб номланган сессиялар қизқарган маърузалар, қизгин бахслар, турфа фикр-мулоҳазалар, тақлиф, ташаббусларга бой бўлди. Туркменистон томонидан Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро муносабатлар институти Стратегик тадқиқотлар илмий маркази, Халқаро муносабатлар ва дипломатия кафедраси, Туркменистон гуманитар фанлар халқаро университети, Туркменистон Фанлар академияси Махтумқули номидиги Тил, адабиёт ва миллий қўлёзмалар институти экспертлари, шунингдек, мамлакатимиз ТИВ Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлили маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва илоҳотлар маркази мутахассислари сўзга чиқди.

Мунозараларда мавзулар атрофлича таҳлил этилиб, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар ўртага ташланди, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Мушоҳада

ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг парламентга Мурожаатномасида янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улғувор мақсадни ўз олдимизга қўйганимиз ва “Жамият — ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қолаверса, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам қонун ижодкорлиги жараёнида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш масаласига кенг ўрин берилган.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги Конституциявий ўзгартишлар жараёнида ҳам кенг жамоатчиликнинг, керак бўлса, ҳар бир фуқаронинг фикри инобатга олинаётгани, бундан руҳланган юртдошларимиз, бугун жамиятимиз фаол қатнашаётгани, минглаб тақлифлар берилаётганлигини қайд этиш зарур. Ўз навбатида, бу “Инсон — жамият — давлат” тамойили ҳаётда ўз тасдиқини топаётганлигини аниглайди.

Бош Қомусимизга аввал киритилган аксар ўзгартаришлар давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлса, ҳозир тақлиф этилаётган нормалар, асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик.

Масалан, Конституциянинг 42-мод-

ний тарбия ва спортни ривожлантириш, болалар ҳамда ёшларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиши” деган янги норма ҳам киритилмоқда. Бу билан давлат томонидан жисмоний тарбияни ривожлантириш, шунингдек, ёшлар тарбияси учун шароит яратиш зарурлиги аниқ кўрсатилаётир. Айни чоғда у давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тегишли мажбуриятларни юклаш билан бирга, мазкур масала доимо давлатнинг устувор йўналиши эканлигини кўрсатади. Зеро, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатларга янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг илк кунлари-данок юксак эътибор қаратиб келинаётганидан барчанинг яхши хабари бор.

Қолаверса, Тараққиёт стратегиями-зининг 67-мақсади сифатида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланидиган аҳоли сонини 2026 йилда 33 фоизга етказиш, мамлакатимиз ёшлари ўртасида миллий спорт турлари-ни кенг оммалаштириш, халқ ўйин-ларини ривожлантириш, чекка ҳудуд-ларда, кишлоқларда соғломлаштириш ишларини янги сифат босқичига олиб чиқиш, юртимизда барпо этиладиган ҳар бир ашил ҳудудда югуриш, вело-сипедда ҳаракатланиш учун “Саломат-лик йўлаклари” ҳамда бадминтон, стритбол ва воркаут майдончаларини

ташқил этиш вазифалари белгиланган. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда минглаб километрлик саломатлик йўлаклари, ҳар бир маҳаллада вор-каутлар, болалар спорт майдончалари қад ростлади ва муҳими, бу борадаги ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Конституциями-зининг фақат ўзигаги-на хос бўлган моддаларидан бири — 64-моддага тақлиф қилинаётган айрим ўзгартаришлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, бу модданинг иккинчи қисми-да давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш, соғлом, баркамол ривожланишини ва ўқитишни таъминлайди ҳамда ушбу йўналишдаги хайрия фаолиятини рағ-батлантиради. Яъни бу ўринда етим болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг соғлом, баркамол ривожланишини таъминлашни давлат ўз зиммасига оляпти.

Шу ҳақда гап кетганда, 2021 йил 9 август кунини етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бо-лалар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг Фармони ва қарорлари эълон қилин-ганигини айтиш зарур.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш асносида Мехрибонлик уйларидаги

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар,
маданият ва спорт масалалари
қўмитаси раиси.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ



Ташриф да-вомида делега-ция аъзолари Олий Мажлис палатала-ри раҳбарлари билан уч-рашиши, Самарқанд ва Бухородаги тарихий ҳамда меъморий обида-ларимиз, пойтахтимиз-нинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қили-ши режалаштирилган.

Шу куннинг ўзида Эрон Ислом Республикаси Исламий Кенгаш Мажли-сининг раиси М. Қолибоф бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ҳамроҳлигида пойтахти-миздаги Ўзбекистон Рес-публикаси мустақиллигини 30 йиллиги муноса-бати билан барпо этил-ган “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди. Эрон Ислом Респуб-ликаси Исламий Кенгаш

Мажлисининг раиси “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мехмонларга мажму-да акс эттирилган тари-хий воқеаларнинг мазму-ни ҳақда сўзлаб берилди.

Мажмуанинг ғоявий ва меъморий ечимларига, хусусан, бетакрор ёдгор-лик юртимизда янги Ўзбе-кистонни — учинчи Ренес-санс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани, Улуғвор Мустақиллик монументи тимсолида тарих, бугунги замон ва келажак тушун-чаларини ўзаро уйғун ҳолда намоён этишга ало-ҳида эътибор қаратилга-ни делегация аъзоларида катта таассурот уйғотди.

Музоқараларнинг асосий қисми бугун — 13 июль куни бўлиб ўтади.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Хоразм вилоятида жорий йилнинг 1 июлидан 19 июлигача маҳалла фуқаролар йилгиларига янги сайланган раислар учун ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Ўқув семинари

Урганч давлат универ-ситетида ташқил этилаёт-ган машғулотларда ма-ҳалла раислари гуруҳлар-га бўлинган ҳолда бир ҳафталик дастур асосида ўқитилляпти.

— Машғулотларда ма-ҳаллабай ишлаш тизими-нинг моҳияти, фуқаролар-нинг мурожаатлари билан ишлаш, маҳалла раиси-нинг ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профи-лактика инспектори билан ҳамкорликда амалга оши-радиган вазифаларни хусу-сида атрофлига тушунар-лар берилмоқда, — дейди Урганч шаҳридаги “Маъ-рифатчилар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аминбой Ҳажиёв. — Шу-

нингдек, эҳтиёжманд оила-ларни қўллаб-қувватлаш, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар даф-тари” билан ишлаш бўйича қўшимча маълумотлар тақ-дим қилинмоқда. Сийёсий-ҳуқуқий билим ва малака-сини ошириш имкония-тига эга бўлялмиш.

Семинар дастуридан вилоят сектор раҳбарла-ри иштирокида мулоқотлар ўтказиш, маҳалла раисла-ри томонидан ишлаб чиқилган иш режаси тақ-димоти ҳам ўрин олган.

Ўқув семинари якунида мавзуларни ўзлаштириш бўйича тест синови ўтқа-зилади.

Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАЙНАРНИНГ «ҚАЙСАР» ҚИЗИ

Зарифа Хидировани китобликлар “Ўзимизнинг фермер қизимиз” деб оғизларидан бол тоғлиб макташади. “Аёл боши билан қиру адирикларга сув олиб бориб, тоқзорлар барпо қиляпти, ҳам таъминланган аёлларни иш билан банд этапти, ишқомларда пишган сархил узумлари шираси тилини ёради, бўлсанг, Зарифахон каби фермер бўл, Зарифахондек, меҳнатдан қочма, қишинг қажратини ёзинг жазирамасида ҳам у каби далаю даштни тарқ этма”, дейишди кексалар ёшларга қарата.



Изланиш

Зарифахон гоҳида бу гапларни орқаворатдан эшитиб, жилмайиб қўяди. Ахир сени улғайтирган, вояга етказган эл оғзидан шундай мактов эшитиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўзининг мак-тови энг улғу мукофот аслида. Ким-нинг қимлигини эл яхши билади!

Зарифахон Хидирова Китоб туманининг Қайнар қишлоғида оддий бир ўқувчи бўлиб, ёшларга сабоқ бериб юрса ҳам бўларди. Лекин у шунча қир-адир бўш ётиб-ди, шу ерларда узумзор барпо этилса, қанчадан-қанча маҳсулот етиштирилади, узумни ҳатто хориж-га экспорт қилиш имконияти яратилади, деб ўзича хомаки лойиха тузди. Қаранг, бу шунчаки хомаки лойиха бўлиб қолиб кет-мади, балки амалга қолди: Зари-фа 2017 йилда яратган тоқзорлар бугун ҳосилга кириб, кўзни яшна-ти бўлибди.

— Қўй, қизим, ўзингни овора қилма, бу ерлар-да узум бўлмайди, — де-ган кишилар ҳам бўлди ўшанда, — дейди Зарифа Хидирова. — Токни эк-динг ҳам дейлик, сувни қаердан олиб келасан, ахир сувсиз ниҳол нобуд бўладику, деб фикримдан қайтармоқчи ҳам бўлиш-ди. Тўғриси, бир оз қай-сарлигим бор, айтдимми, қиламан. Машина билан сув ташиб, тоқларни ёз-чилласидан омон олиб чиқдим. Кейинги йили ҳосил нишоналари кўри-на бошлади. Биласизми, тоқзоримдан узум пишган-да кўзимга ёш келди. Ҳамқишлоқлар келиб мени табриклашди. Мақ-садимдан қайтармоқчи бўлган отахон келиб, “Зарифахон, аломат қиз экансан, урдасидан чиқ-динг, раҳмат сенга!” деб бағрига босди.

Ҳозирга қадар воситачилар қўмағида 120 тонна узумни хориж-га экспорт қилдик. Мақсадим эн-дликда воситачиларсиз тўғридан-тўғри ўзим маҳсулотни хорижга экспорт қилиш устида иш олиб боряпман.

Зарифахон яна бир мушкул ишга қўл урди. 7-8 километр узок-

ликдаги булоқдан сув олиб келиб, 1 гектар узумзор яратмоқчи бўлди. “Буниси энди жуда қийин, урдалай олмайсан”, дейишди баъзилар. Зарифа енг шимарди. Полвонкел-бат эмасми, ўша тоғдаги булоқ томонга йўл олди. Қанча маблағ кетса кетди, лекин булоқдан сув келди. Қувурдан жилдираб оқаёт-ган сувни кўрганда қайнарлик кек-салар қўлини дуога очиб, уни узок алкади.

Ҳозир унинг “Кўкчинор” фермер хўжалигида 33 нафар мавсумий, 12 нафар доимий ишчи меҳнат қилади. У “Фермер аёл” респуб-лика форумида иштирок этиб, Жа-ҳон банки иштирокидаги “Ўзбе-кистонда мева-сабзавотчилик тар-моғини ривожлантириш” лойиҳа-сининг “Энг яхши фермер” номина-цияси соҳиби бўлди. Шунингдек, “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон иш-билармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон Банклар ассоциация-си томонидан ташқил этилган “Анор” республика миллий қўриқ-танловида ҳам совринли ўринлар-дан бирини қўлга киритди.

Тиниб-тинчимас фермер энди-ликда янги лойиҳалар устида бош қотирмоқда. Энди у мева ва саб-завотни қуритадиган, қадоклайди-ган ускуналарни олиб келиш ния-тида елиб-югуриб юрибди. — Мақсадим “Кўкчинор” брен-ди остида чиройли қилиб қадок-ланган майиз ва бошқа маҳсулот-ларни хорижга экспорт қилиш, — дейди З. Хидирова. — Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор. Ўзи-миз етиштирган узумдан сояки майиз тайёрлашни йўлга қўйган-миш. 1 000 туп турли мевали да-рахт кўчатлари экдик. Узумзорла-римиз кенгайиб бормоқда. Қай-нар қишлоғидаги ишсиз аёллар бандчилигини таъминлашга ҳаракат қиляпман. Энг муҳими, Қайнарда иш қайнамоқда.

Яна бир гап. Зарифа Хидирова Китоб тумани ҳокимининг “Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғини бўйича ёрдамчиси этиб тайинланди. Бу масъулиятли ва шарафли вазифа-га киришар экан, у Қайнар қиш-лоғи ёғинисидан ўтган Тахтиқо-рача довоини етдида 20 та меҳмон уйи қуришга киришди. Ҳозирги кун-да меҳмон уйлари деярли битиб, Самарқанд шаҳридаги турфирма-лар билан хорижлик сайёҳларни олиб келиш бўйича шартномалар имзоланди. Ҳозирданок Германия ва Франциядан келган сайёҳлар Тахтиқорача довоини, Қайнар қиш-лоғи ва Етти қиз гори таби-ати-дан баҳраманд бўлишга улғуришди.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЖУРНАЛИСТ ОНА ТИЛИНИ БИЛИШИ ШАРТ ЭМАСМИ?

Ўқув йили якунланди. Олдинда икки ойлик ёзги амалиёт, лекин қаерга боришни билмай бир муддат бошим қотди. Ўйлаб кўрсам, ўқишга кириш бошқо, шу соҳа қозонида қайнаб бошқа экан. Қайнаш учун қозон тагида олов бўлиши керак. Шу сабабли матбуот оstonасига қадам қўйдим. Энди ортга йўл йўқ, ёзмасликнинг ҳам иложи йўқ.

Мулоҳаза

Университетда журналист-тик жанрлар мазмун-моҳия-ти, сир-асрорларини ўрганиб боряпмиш. Хусусан, 3-курсда ҳам бир семестр давомида ҳам ёзма сини зўр бериб ўргандик. Ақабланарлиси, ўқишга кириш имтиҳонида ҳам эссе ёзмадик. Унинг са-вияси қандай бўлганлигини, тўғриси, аниқ билмайман. Аммо мен ва мен каби мак-таб оstonасидан тўғри келиб университет эшигини тақил-латган ёшлар илк бор мана шу жанрга қўл урганди.

Энди ўйлаб қарасам, ўшанда биз, абитуриентлар ҳатто эссе нималигини бил-маганимиз, бироқ бўлажак журналистлардан ушбу му-раккаб, қўламини кенг жанрда қалам тебратишни талаб қилишган. Бу қанчалик тўғри? Ўзтибор беринг, абитури-ентлар мактаб ёки лицейда иншо ёзади, баён тузади, аммо журналистика жанрла-ри бўйича билимларга ҳам, малакага ҳам эга бўлмайди. Улар фақат олий таълим бо-сқинида ўргатилади. Шундай

экан, журналист бўлиш ния-тида университетга бош суқ-қан ёшдан эссе ёзишни талаб қилиш нечоғли адолат-ли? Бу тўғриси 6-синф бола-сидан 9-синф дастури бўйи-ча имтиҳон олишга ўхшайди. Улар ёзган эсселар жанр талабига қай даражада жа-воб берадию, қайси мезон асосида текширилади? Ман-тиқ йўқ!

Яна бир масала. Она тили фани 2022 йилдан бошлаб университетга кириш синови-дан олиб ташланди. Унинг ўрнига қарантин сабабли икки йил мобайнида ўтказилиши тўхтатилган ижодий имтиҳон қайта тикланди. Шунингдек, чет тилдан ҳамда мажбурий фанлардан тест топишириш жорий этилди. Тўғри, журна-листика университетига аби-туриентнинг ижодий фикрла-

Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛ

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги мазмундорлиги, юрагимиз тўридаги фикр-мулоҳазаларни, бугунги куннинг долзарб вазифаларини қамраб олганлиги билан ҳар биримизнинг қалбимизни янада нурафшон этди.

Огоҳлик

Табриқда ислом дини, аввало, тинчлик, эзгулик ва инсонийлик дини эканлигига яна бир бор эътибор қаратилади.

Дарҳақиқат, ҳозирги ғоят мурак-каб ҳамда таҳликали замонда тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни қўз қорачиқдек асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашдек ўткир талаблар юртимизда яшаётган ҳар бир мўмин-мусулмон, ҳар бир инсон учун ҳар қанчонидан ҳам дол-зарб бўлиб турибди.

Бу ҳақда сўз юритганда, бугун ёшларни билимли ва зукко, соғлом дунёқарашга эга, одоб-ахлоқли, имон-этиқлиб, ватанпарвар ин-сонлар этиб тарбиялаш жамиятда узраётган қўллаб муаммоларни бар-тароф қилиш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб эти-шини таъкидлаш жоиз.

Киши маънан қанчалик бой бўлса, у эзгу қадриятларда шунча-лик собит туради. Эл-юрт тақдирига дахлдорлик билан яшайди. Тинчлик-тотувликнинг моҳиятини англаб, аҳамиятини тушуниб, уни асраб-авайлашга ҳисса қўшади.

Хўш, эртамиз эгаларини юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялашда бугун қайси йўлдан боришимиз керак? Бизга бу йўлда нима таянч ва суянч бўлади? Шуб-ҳасиз, мувабрак динимизнинг эзгу таълимотлари, муқаддас китобла-рида, асрлар оша яшаб келаёт-ган миллий қадриятларимиз, ота-боболардан мерос таълим-тарбия усул ҳамда услублари.

Шуқри, Президентимиз томони-дан мамлакатимизда маънавият ҳамда маърифат масаласига, мил-лий қадрият ва аънаваларни ас-раш, ривожлантириш ҳамда тарғиб қилишга жиддий эътибор қарати-лмоқда.

Замон андозаларига мос таъ-

лим масканлари бунёд этилаётир. Табарруқ зиёратгоҳ ва қадимжолар, қўхна масжид ҳамда мадрасалар обод қилинляпти. Янгидаан очилган илмий-тадқиқот марказларида буюк аждодларимизнинг бебаҳо маъна-вий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бо-расида кенг қўламли ишлар йўлга қўйилди.

Бундай чора-тадбирлар давлати-миз раҳбари илгари сурган “Жаҳо-латга қарши — маърифат” ғоясини

“Ҳар бир ота, ҳар бир она ўз фарзандига одоб-ахлоқ намуналарини, киндик қони тўқилган мислсиз Ватанига муҳаббатни, бобо-бувиға эҳтиром-хурматни, меҳр-иштовқорликни, ошла аъзоларига раҳмдиллик ва меҳрибонлиқни, ўз жуфти ҳалолиға садоқатни, қўни-қўшниларға оқибат ва чиройли муносабатни, қавм-қариндошларға саховат-мурувватни, синфдош-касбдошларға чин дўстлик ва ёрдам беришни, атрофдаги одамларға инсонпарварлик ва самимийлиқни, ҳайвон-парранда-ҳашаротларға нисбатан раҳм-шафқатни уқтириши, юқтириши, тушунтириб, синдириши муқаддас бурч, ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаётга татбиқ этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Бугун жаҳолатга қарши маъри-фат билан курашишни нафақат масъул ташкилот вакиллари, балки ҳар бир ота-она ўзи учун долзарб вазифа, деб билмоғи лозим.

Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли ғарзлик хуруж ва ҳамлалардан, тўхмат ва бўҳтон-лардан ҳимоя қилиш, айтмаса, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаёт-ган ёш авлодга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояла-



рини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Ахборот технологиялари ўта тез-корлик билан ривожланаётган, на-нотехнологиялар шиддат билан ҳаётга кириб келаётган, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар хилма-хил, тўғри-нотўғри маълумот-

билан, асосан, глобал тармоқ орқали экспорт қилинаётган “қад-рият”лар, юриш-туришу ўзини тутиш, инсонлараро муомала-муносабатта оид кўрсатмалар онгу қалбга қаратилган хуружлардир, десак, асло хато эмас. Улар миллий мен-талитетимизга ҳам, Қурьони карим оятлари ва Пайгамбаримиз алай-ҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари-га ҳам, динимиз кўрсатмалари ва шариатимиз ҳўқмларига ҳам, уламо-ларимиз фатволари ва давлатимиз қонунларига ҳам, шарқона одобла-римиз ва маъзаҳимиз меъёрлари-га ҳам мутлақо зид экани ҳар би-римизни ташвишлантиради.

Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ўз ҳадис-шарифларида: “**Болаларингизга одоб бе-ринлар ва одобларни чиройли қилинлар!**” дея марҳамат қиладилар.

Бу хусусда шоирларимизнинг ибратли сўзлари ҳам бор:

Биринчи гиштни қийишқ
қўярман меъмор,
Осмонга етса ҳам,
қийишқдир девор.

Шундай экан, токи ҳали суяғи қотиб улгурмаган ёшларнинг беғу-бор оламига, ғўр маънавиятга “ап-лаккилар” жиддий зарар етказиб қўймасидан олдин ўз фарзандла-римизни ўзимиз тарбиялашимиз керак.

Барчамиз кўзимизни каттароқ очиб, зийраклик ва огоҳлик билан ғоявий ҳамлаларга қарши кураш-моғимиз лозим.

Шу ўринда айтиш жоизки, му-қаддас ҳаж ва умра зиёратларини адо этиб қайтган отахон ва она-хонлар, маҳаллалардаги нуруний-лар, катта ҳаётий тажрибага эга инсонлар бу эзгу ишда янада фаол бўлишлари зарур.

Улар Президентимизнинг “Жа-ҳолатга қарши — маърифат” деган эзгу ғоясини ҳаётга татбиқ этишда асосий кучдир. Йилгит-қизларни ҳидоятга чорлашда, хонадонларни ислом нури билан мунававр қилиш-да, ҳар бир мўмин ва мўминна-ларга маърифат улашишда бу ин-

сонларнинг ҳиссалари жуда катта эканига шубҳа йўқ. Ёшларимиз Қурьони карим тафсири, Ҳадиси шариф шарҳи, ақида, фикҳ маса-лаларидан баҳраманд бўлишса, улар ёт қуллар “дарслари”га эҳтиёж сезмайди, алданиб, ёт ғоялар ва ботил иддаоларга берилмайди.

Ҳар бир ота, ҳар бир она ўз фарзандига одоб-ахлоқ намунала-рини, киндик қони тўқилган мисл-сиз Ватанига муҳаббатни, бобо-бувиға эҳтиром-хурматни, меҳр-иштовқорликни, оила аъзоларига раҳмдиллик ва меҳрибонлиқни, ўз жуфти ҳалолиға садоқатни, қўни-қўшниларға оқибат ва чиройли му-носабатни, қавм-қариндошларға саховат-мурувватни, синфдош-касбдошларға чин дўстлик ва ёрдам беришни, атрофдаги одамларға инсонпарварлик ва самимийлиқни, ҳайвон-парранда-ҳашаротларға нис-батан раҳм-шафқатни уқтириши, юқтириши, тушунтириб, синдири-ши муқаддас бурч, ҳам қарз, ҳам фарздир.

Уйлайманки, бу юмушлар ҳеч биримизга қийинчилик туғдирмай-ди. Зеро, шу сифатларнинг ҳамма-си фарзандларимизнинг қонида бор. Бу фазилатларнинг барчаси болаларимизнинг ДНКсида мавжуд. Чўнки бу хусусиятлар аждоддан-ав-лодга, қондан-қонга тарбия орқали ўтиб келяпти. Фақат ёшлар камо-лотлиқа бугун янада эътиборли бўлсак, зиммамиздаги бурчни, ва-зифани сидқидилдан бажарсак, огоҳлик ва ҳушёрлиқни бой бер-масак, қўзланган натижаларга, албатта, эришамиз.

Илоҳо, ўзимизнинг ҳам, фар-занд-зурриятларимизнинг ҳам меҳ-рибон Парвардигоримиз Ўзи буояр-ган, жаноб Пайгамбаримиз солла-лоху алайхи васаллам тавсия эт-ган, ўтмишда ўтганларимиз руҳини шод, халқимизни хурсанд, ота-она-ларимизни рози қиладиган йўллар-дан юришимизни насиб этсин!

Иброҳимжон ИНОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари.

Улуғ мақсадлар тараннуми

“Бизни ягона, улуғ бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тарққиёти, халқимиз фаровонлигидир”. Мамлакатимиз раҳбарининг куюнчаклик билан айтган бу гаплари, бугунги кунимиз шиори, келажақ учун дастуриламалдир. Зеро, тараққиёт йўлини таллаган ҳар қандай миллат учун элнинг бирлиги, жиқлиги, халқ тилида айтганда, бир ёқадан бош чиқариши ҳамма замонларда ҳам куч-қудратнинг асоси бўлиб келган. Тарихий, адабий манбаларда бунга мисоллар кўп.

Жумладан, халқимиз тафаккур тарзининг юксак дурдонаси, бадий тарихий ҳисобланган “Алпомиш” дostonида ҳам-жиҳатлик, яхлитлик гоёлари улуғланади.

Дostonда Бойбўри маърифат билан тўйинган ўғли Алпомишнинг “закот” ҳақидаги гапини эшитгач, гуноҳ ва савоб ишлар ҳақида ўйлаб қолади. Шу сабабли давлат йўлида укаси Бойсаридан закот талаб қилади. “Закот” масаласи давлатчилик тартибининг, ягона Ватан деб бирлашининг илк талаблари сифатида намоён бўлади. Чунки давлатчилик, бир гоё йўлида жиқлашиш ўзининг ички қонунлари, хусусан, ўз фуқароларига белгиллаган имкон ва тартиблардан бошланади. Дostonда фуқаролар, айниқса, бадавлат мулкдорларга “закот” номи билан келган тартиб, бугунги тил билан айтганда, давлатчиликнинг молиявий асоси бўлган солиқ талабларининг ўзи эди. Аммо бундай талабларни, кези келганда, одамнинг ҳатто ўз жигари ҳам тушунамаслиги, бу эса парокхандликка сабаб бўлиши мумкин экан. Маърифатдан узоқ Бойсари акасининг талабини ўзича баҳолайди, худбинликка боради. Чунки у жамиятда юз бериши муқаррар ўзгаришларга ҳали тайёр эмасди. Шу боис акасидан аразлаб, қавмини олиб бегона юртларга кетади. Бойсун-Қўнғирот иккига бўлинади. Бу парокхандлик белгиси эди. Шунда ҳамжиҳатликни тиклаш учун маърифат билан тўйинган, фалак фатвосини олган Алп ўз вазифасини бахаришга киришади. Бу вазифа энг муҳим омил — халқни ўз куч-қувватига, қудратига ишонтаришдан бошланади. Алпомиш алплар билан бўлган бешлашувларда ғолиб келади, Барчиннинг эътиборига, яъни умумэтирофга эришиб, ўзининг давлат, салтанат кура олиш қудратига халқни ишонттиради. Бу янги давлатчилик пайдо бўлишининг илк бадий баёнлари эди.

Тарихнинг ҳали ёзув бўлмаган даврлардаги энг қадимги хотиралардан сўзловчи халқ озгачи иҳоди бизга кўп сабоқ беради. Бойсари ва Бойбўри муносабатида давлатчилик фақат инкор ёки эътирофга қурилганлигига ишора бор. Бу ерда Бойсарининг инкори мамлакатнинг бўлиниб кетишига олиб келади. Ертибойлар маслаҳати мамлакатни ёрти қилишга йўл очади. Оқибатда салтанат бўлинишга, айирмачиликка юз тутади. Тимсолий маънога эга Бойсун-Қўнғирот элини маънан бирлаштириш, жиқлаштириш, тараққий эттириш Алпомиш зиммасига тушади. У инкор туйғули қалмоққа кетган Бойсари қавмини қайтариш орқали Бойсунда янги тараққийга, янги даврга асос солади, у эътироф ва инкорни — икки кутбни бир марказга олиб келади, жамият қарашларининг, қувватининг ўзаро бир марказда уйғунлашувига замин тайёрлайди.

Босқинчилик истибдодиди қолган, маҳдудликка, миллий низолабга юз тутган элатни бирлаштириш, унга янги қувват ва қарашлар бағишлаш, миллатни ўз кучига, ўз қувватига қайтариш учун Гўрўгли ҳам турли синовларга дуч келади. Унинг туртилган жой мазор эди, бошқача айтганда, ўлимга юз тутган муҳит эди. Гўрўгли эса ана шу муҳитни янги қувват, янги қараш билан бойитди, яъни унга давлатчилик гоёлари, тартиблари, бугунги тил билан айтганда, оқшотларни олиб келди. У ҳам Аҳмад сардор бир томон, Аваз, Нурали, Равшан иккинчи томон бўлган кўбларни бир марказга тўплади, миллатнинг янги тараққийига тамал тоши қўйди.

Бу каби мисолларни халқ хотираси бўлган фольклордан кўплаб топиш мумкин. Эпосда давлатчиликнинг муҳим асоси бўлган салтанат учун, унинг истиқболни учун бирлашиш, жиқлашиш гоёлари етакчи мотивларга кўйланади. Халқ ҳикматлари бўлган халқ озгачи иҳоди бизга давлатчиликнинг сиру асрорлари ҳақида кўплаб сабоқлар беради.

Инкор ва эътироф кураши

Агар бугунги кунимизга ҳам эпос сабоги билан кўз ташласак, унда хулоса қилишимиз керак бўлган кўплаб муаммолар аёнлашади. Бугун ижтимоий муносабатларга синчиқлаб қаралса, худди Бойбўри ва Бойсариди инкор ва эътироф ҳолатига дуч келамиз. Бу, айниқса, ижтимоий тармоқларда кўзга ташланади.

Инкор ва эътирофнинг бу даражада бир-бирига ётлашуви бежиз эмас. Бу “Ким биз билан бўлмаса, бизга душман” деган етмиш йиллик ҳукмрон шўро мафкурасининг асрорлари билан бирга мустикалликка эришганимиздан сўнг ҳам узоқ йиллар ҳақиқатнинг кўзига тик


қарашга ҳадиксираб келганимиз оқибати. Ким танқидий руҳда бирон фикр билдирса, биз уни душман, “биздан эмас”, “ғаламис”, “онги бузуқ” деб қараб келдик. Фақат бир хил қараш, бир хил хулоса, бир хил муносабатга кўнжидик. Бу эса охиқ-оқибат кишиларда кутбнинг ё у тарафиди ёки бу тарафиди пистирмаларда туриб фикр айтиш кўнжмасини пайдо қилди. Эътирофда ҳам, инкорда ҳам кўр-кўроналик, бошқача ёндашувларга, қарашларга тоқат қилолмаслик муносабати шаклланди. Оқибатда жамият кенг кўламли фақат оқлашдан, мадҳоқликдан ёки умуман, ҳаммасини инкор қилишдан иборат икки қарама-қарши

қилишнинг ўзи — бу маърифатлашишнинг дастлабки кўринишидир. Аслида, бошқа вазиятда фикр учун кўрқув ва ҳадикнинг йўқолишига, худди Мусо алай-ҳиссалом халқининг хотирасидан қуллик кўнжмасини йўқотиш учун ўз қавмини қирқ йил сарҳода олиб юргани каби катта муддат керак бўлади.

Тан олишимиз лозим, биз турфа фикрлиликка тоқат қилишга, ҳарқалай, нисбатан тез эришдик. Энди эса бундан кейинги қадамни ташлашга тайёрланяпмиз. Жамиятнинг барча соҳаси инкор ва эътирофнинг кесишадиган, бир-бири учун ҳолислашган нуқтасини топишга уринмоқда. Бу йўлда қилина-

олмасликдан, ўзга фикрга тоқатсизликдан келиб чиқади. Маърифат эса ҳар икки қарашнинг ҳам жамиятни тараққий эттиришда ўз ўрни борлигини таъкидлайди, икки кутбни бир марказда тўплай олиш имконини яратади. Буни тарих кўп марта исботлаган. Маърифатсиз жамият ҳеч қачон ривожланмайди, тараққий этмайди. “Маданиятчи жамият” — бу маърифатли жамият, бу инсонийликка, гуманизмга яқинлашган жамият дегани.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: **“Инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи — маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг**



кўтбга айланди. Бугунги инкор ва эътироф орасидаги кескин зиддият тағида, бизнингча, ана шу ўтган даврларнинг айирмачилик психологияси ётади. Рухшунослар айтганидек, бу хил “оммавий онгсизлик” рационал мағизини инкор қилади, жамиятда уйғунлашув, бирлашув содир бўлмайди. Ваҳоланки, ўша кутбнинг ҳар икки томонини бирлаштириб турадиган маркази ҳам борлигини ҳар икки томон ҳам тан олгиси келмайди. Умуман олганда, жамиятнинг яшовчан қонуниятлари ҳеч қачон ё фақат эътироф ёки фақат инкорга қурилмаган. Эътироф, бошқача айтганда, ўта маҳлиёлиқ асл манзарани, моҳиятни англашга ҳалақит беради, бу жамият ривожининг катализатори бўлган турфа қарашлар, ҳаракатлар, гоёлар турғунлигига олиб келади. Фақат инкор эса жамият қонунларини издан қикариб, уни боши берк кўчага дучор қилади. Аслида, худди халқимиз донолигининг сарчасмаси бўлган “Алпомиш” ва “Гўрўгли” эпосида кўрганимиз каби шу пайтгача бўлган инсоният жамияти, унинг тараққий кўнунлари ҳар икки кутб марказлашган нуқтада ўзининг асл уйғунлигига эришган.

Бу уйғунлиқни сиёсий тилда “демократия”, “плюрализм” деб аташади. Шу уйғунлик марказида туриб, ҳар икки томоннинг ўринли жиҳатларини қабул қилиш, инобатга олиш, шу асосда жамиятга татбиқ этиш, ҳар икки томоннинг фикр айтиш, муносабат билдиришига тенг имконият яратиш тараққий уйғунлашувини тезлаштиради. Турфа хилликни қабул қилиш, тоқат этиш, уларни бир марказга тўплай олиш учун эса оммада маърифий билимлар бўлмоғи шарт. Халқни ўз куч-қувватига ишонттириш, уйғунлиқни кенг жорий қилиш учун худди Алпомиш ўзининг бош миссиясига киришишдан олдин таълим олгани каби жамият маърифат ва билим билан тўйиниши керак бўлади.

Жамиятимизнинг бугунги фикр эркинлигини етти йил олдинги ҳолат билан солиштириб бўлмайди. Бу борада ўтмишни кўз олдимизга келтирсак, нималарга эришганимиз аёнлашади. Бугун ҳар бир одам ўз фикрини айта олиш имконига эгалми, фикр айтиш учун ҳадиклар, кўрқувлар йўқолганини, фикр учун бугун таъқиб ва таъйиқлар, тоқатсизлик ёки душман ясашдан ана узоқлашиб, юкорида айтганимиз — икки кутбнинг уйғунлашуви томон тобора яқинлашиб бораётганини ҳолис ақл инкор қилолмайди. Шунинг ўзиёёқ жамиятнинг маълум маънода маърифат сари дадил қадам ташлаётганини билдиради. Ўзга фикрга тоқат

диган ишлар, тўсиқлар, муаммолар кўп. Лекин энг муҳими, эътирофга ўрганганлар инкорни қабул қилишга, инкорга кўнжканлар эътироф этиш сари бир-бирига яқинлашяпти. Умуман олганда, бугунги жамиятимизда икки кутб уйғунлашуви ўзига замин излаётир.

Маънавият чироғи

Эътироф ва инкорни бир нуқтага бирлаштириш, уйғунлашиш учун жамиятнинг ўзи маънан юксак бўлиши, аввало, билим, маърифат, маданият онг жиҳатдан бу уйғунликка ўзи тайёр бўлиши зарур. Бу шу жараёни кутиб, қўл қовштириб туриш керак, дегани эмас. Тараққийот замини ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга эпос қонуниятига кўра, пойдевор бўладиган асос, қувват, туртки берадиган, яловбардор бўладиган “алп”лар керак бўлади. Бу яловбардорлар чегига кўп нарса тушади: улар кўплаб синовлардан ўттиши зарур. Аммо улар “алп” бўлгани учун ўз мақсади ва миссиясидан оғишмай боради ва вазифасини уқдалайди.

Эртанги кунги илгор тараққийотга асос бўладиган онгли жамиятни маърифий, илмий, маданий онг даражаси белгилайди. Қайси жамият тараққийотга эришган бўлса, бу унинг илм-фан, маърифатга, таълимга бўлган янгиҳа муносабати туйғули эришганини жуда узоқ кетмай, Япония, Малайзия, Жанубий Корея мисолида кўришимиз мумкин. Иккинчи жаҳон урушида ўз танасида моддий ва маънавий таназзулни синаб кўрган Япония тараққийотнинг асосида таълимга эътибор ётгани ҳақида етарлича ёзилган. Уйғунлашувчи ва тараққийот ўсиб қичувчи муносабатларга айнан таълим, маърифат, билим, маданий онг замин тайёрлайди. Буларсиз эришилган ҳар қандай тараққийотнинг охири боши берк кўча бўлиб қолаверади.

Сўз эркинлиги, муносабатлар эркинлиги, қарашлар эркинлиги, икки кутбнинг бир нуқтада уйғунлашуви, бир нуқтада жамлаиши, жамиятдаги қулчларнинг бир мақсадаги бирлашиши, плюрализмини жамият катализаторига айлантириш ўша миллат тараққийотнинг асоси бўлиб келганини жамиятшунослар аллақачон исбот қилган. Туркия тараққийоти ҳам Отатуркнинг таълим-тарбиядаги ислохотлари ҳосиласи эканини бутун дунё эътироф этади. Бундай яхлитлашув, уйғунлашув олиб борадиган таълим ислохотлари миллатни уйғотган, уни ривожланишнинг янги босқичига олиб чиққан. Бу тарихда синалган, тажрибалардан ўтган, эпослар сабоқ сифатида авлодларга қолдирган амалиёт.

Барча замонда тараққийотнинг кушандаси маърифатсизлик бўлиб келган. Бойсарининг давлатчилик талабини тушунам, айирмачилик қилишининг ҳам асосий сабаби маърифатсизлик, фикрсирилик эди. Эпосда таълим олган Алпомишнинг отасига китобда ўқиганини айтганидан, бу китобдаги маърифатни Бойбўри жамиятга татбиқ этмоқчи бўлганидан кейин Бойсарининг арази билан боғлиқ воқеа бежиз келмайди. Бу ерда маърифат ва маърифатсизлик ўзаро қийёсланади. Аслида, фақат эътироф этиш ёки фақат инкор қилиш ҳам жаҳолатнинг бир кўриниши. Жаҳолат ўзга қарашни тан

онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради”.

Маърифатли жамият талаби

Инсонийликдан холи демократия — бу шунчаки сафсатадан бошқа нарса эмас. Инсон қадри қаерда баянд бўлса, ўша жамиятда демократик эркинликлар ҳам бўлади. Инсон қадри дегани фақат унинг қорнини тўйғазишдан, моддий манфаатларини қондиришдан иборат эмас. Инсон қадри тушунчаси унинг сўз айтиш, фикрини бемалол баён қилиш, шахс сифатида ўзини намоён этиш, шахсининг кучи ва қувватини миллат тараққийотига сафарбар қилиш имкониятини яратиш дегани ҳам. Айни йилимиз номига давлатимиз раҳбари “Инсон қадрини улуғлаш” деган сифатини ҳам бежиз қўшмади. **“Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демократия, деди Президентимиз.**

Инсон қадрини улуғлаш деган вазифа ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқларини қамраб олади. Барча фуқаронинг манфаатлари ва ҳуқуқларини қадрлаш — бу унинг фикри, қарашларини ҳам қадрлаш дегани. Агар ҳар бир фуқаро ўзининг манфаатлари ва ҳуқуқлари қадрланаётганини билсал, инкор ва эътироф ўртасидаги адовлатни ҳис этса, у бор қувватини жамият тараққийотига сафарбар қилишга тушади. Чунки бу жамият ўзиники эканини англаб этади. Жамиятдаги ҳар бир инсон ўз истеъдоди ва қувватини миллий тараққийотга сафарбар қила олмас экан, унга улш қўлиш имкониятлари чекланган экан, унда бундай миллий тараққийот чала бўлади, бу хил тараққийот кенг микёсда ўзини кўрсатмайди, бундай тараққийотнинг замини мўрт бўлади.

Ҳуқуқ ва манфаатни ярим-ёрти қадрлаш, худди чала математик ҳисоблар каби оксоқ тараққийотни бошлаб келади. Миллий уйғониш — миллатга, халққа дахлдор ҳар бир фуқаронинг шу жамият тараққийотга улш қўша олиши дегани. Бунинг учун ўша фуқарога улш қўлиш имконини берадиган муҳитни, қонунларни яратиш, аввало, уни қадрлай олиш, қадрланаётганини ўзига ҳис қилдириш керак бўлади. Бундай тизимни яратиш учун эса бошқарувчи ҳам, бошқарилувчи ҳам маърифатли бўлиш шарт.

Мамлакатимиз раҳбари буни халқона қилиб “фикр тарбияси” деб атади: **“Сир эмаски, ҳозирги вақтда аксарият одамлар “мафкура” деган сўзга бир оз ҳадиксираб қарайди, уни демократик жамиятга бегона деб ҳисоблайди. Лекин биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз”.**

Янги Ўзбекистоннинг айнан таълим ва тарбиядан бошлангичини назарда тутиб, жамиятда олимлар, ўқитувчилар, зиёлиларнинг, энг муҳими, маърифат тимиоли бўлган китоб мутолаасига эътиборнинг ошиши, бу соҳадагиларнинг жамиятда қадрини кўтариш сари олиб борилаётган ишлар, ташаббуслар тағида ана шу интилиш, шу гоё ётади. Билим ва маърифат билан қилинган инкор ҳам, эътироф ҳам жамиятга фақат фойда келтиради. Маъ-

рифатсиз инкор — бу мутаассибликка, кўр-кўроналикка, маърифатсиз эътироф эса жамиятини, хусусан, бошқарувни қарақт қиладиган турғунликка олиб келади. Жамиятнинг тараққий эттириш учун, аввало, маърифатсиз инкор ва маърифатсиз эътирофдан қутулиш керак. Бунинг йўли эса битта — маърифат, билим.

Билим ва маърифатни кенг оммага ёйиш, уни ҳар бир одамнинг яшаш тарзига айлантириш учун айнан илм ва маърифат соҳасидагиларнинг жамиятдаги ўрнини юксакка кўтариш лозим. Агар кейинги йиллардаги ислохотлар моҳиятига эътибор қилинса, айниқса, Президентимизнинг аънамага айланган парламентта Мурожаатномасида бу бо-

тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш олсак, кўзлаган марраларга, албатта, етамиз”.

Маълумки, жаҳид боболаримиз мустанлака ва яриммустанлака шароитда Ватанин озоқ қилиш, уни тараққий эттириш йўлини фақат илмда, тарбияда деб билишди. Аслида, бу энг тўғри йўл эди. Агар билим бўлмаса, озоқлик ва эркинликнинг қадрига етадиган авлод бўлмаса, унда мустикаллик шунчаки қорғоздаги расмиёчилик бўлиб қоларди. Жаҳид боболаримиз миллатни, аввало, тафаккурда озоқ қилишни, тафаккурда эркин бўлишни иштади. Улар билим ва маърифатда дунёнинг энг илгор миллатлари қаторида бўлишини, бошқача айтганда, миллатимизнинг дунёга фикр, билим, илм берадиган миллатга айланишини хошлашди. Тафаккурда эркин бўлган миллатни энгиг бўлмайди, ҳеч ким уни қарам қила олмайди. Чунки дунё билимли ва маърифатли миллат билан ҳисоблашади. Бундай миллат дунё тамаддунида ўз ўрни борлигини ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ишлаб чиқаришда исботлаб туради. Билимли миллат — бу башариётнинг истиқболини белгилашга улш қўшаётган миллат. Бундай миллат билан ҳар қандай куч, ҳар қандай қувват мурося қилади.

Жаҳид боболаримиз бу гоёларни кўтариб чиққанда вассал бўлса-да, ҳарқалай Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим-мустикал давлат эди. Улар ташқи сиёсатда эркин бўлмаса ҳам, ички сиёсатда ўз хоҳиш-иродаларига эга эди. Аммо бу пайтда билимсизлик ва жаҳолат жамиятнинг барча соҳасига ўз соясини солиб бўлганди. Маҳдудлик яшаш тарзига айланганди. Илмдан узоқлашиб бу давлатларни тараққийотдан, фикрдан узоқлашишга олиб келганди. Улар банк, тиббиёт, ҳарбий билимлар, саноят, сиёсий билимларда анча қолоқ эди. Шу ҳолатда мустикал бўлиш — айнаи шу соҳаларда илгор давлатларга барибир қарам бўлишга олиб келарди. Шунда боболаримиз эрк ва озоқликнинг биринчи асоси билимда, тарбияда деган хулосага келишди. Бу энг тўғри, энг ҳаётий хулоса эди.

“Таълим-тарбия биз учун ҳаёт-мамот масаласи” деганда Авлоний ҳақ эди. Агар миллат илмли бўлмас экан, унда жамики эришилган расмий мустикаллик, озоқлик шаклдан бошқа нарса бўлмаслигини улар англаб етишганди. Улар тўп ва милтиққа қарши паншаха кўтариб қурашган турли норозилиқларга гувоҳ бўлишганди. Тўп ва милтиққа қарши, гарчи қанчалар жасур ва кўрқмас бўлмасин, паншаха кўтариб чиқиш омилидан бошқа нарса эмасди. Шу сабабли улар бор қулчларини миллатни маърифатли қилишга, миллий тафаккурни янгилашга, илм сирларини эғалаб, босқинчи кучга тенг келадиган қудрат ва қувват билан қарши туришга миллатни сафарбар этишни иштади. Аммо улар бутун жамиятни бир қувватга бирлаштира олмади. Бунга имконлари йўқ эди. Уларнинг гоёлари бутун жамиятни қамраб олишга, аввало, мустанлака қуллар, бошқа томондан миллий маҳдудлик ҳалақит берди.

Мустанлака қуллар қарам миллатнинг илм эғалари бўлиши, маърифатлиги, тараққийотга интилиши — бу озоқлик сари интилиш эканини яхши биларди. Миллатнинг ўзини таниши — бу яримозодлик, бу кўзга кўринмайдиган, кўч ишлатилмайдиган миллий исён эди. Шу сабабли жаҳидларга кўплаб тўсиқлар бўлди. Аммо гарчи кам сонли бўлса ҳам, улар очган мактабларда ўқиганлар кейинчалик ХХ аср миллий уйғонишининг, миллий тараққийотнинг бошида туришди. Улар эканан уруғлар ўтган асрда фанда, санъатда, ишлаб чиқаришда ўзининг ҳосилчини берди.

Фитрат, Қўлпон, Абдулла Қодирий, Қори Ниёзий, Наби Ғаниев ва Файзулла Хўжаев каби ХХ аср бошларида фанда, санъатда, миллий тафаккурда муваффақиятга эришган озолаб атоқли миллатдошларимиз ҳар жиҳатдан жаҳид боболаримиз очган булоқдан сув ичган, уларнинг гоёларини ўз фаолиятига татбиқ қилишган, шу орқали ўтган асрда миллий уйғонишга ўз улушларини қўлишган.

Ана шу ҳолатнинг ўзиёёқ Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида олис ўтмишга, юртимизда юз берган биринчи ва иккинчи тамаддун эврилишларига, жаҳид боболаримиз жасорати, таълим-тарбия масаласида олиб борган ислохотларига бежиз тўхталганини ағлатгади.

“Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки тўп тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Агар бирон мурват ишламай қолса, соат ё ишламайди ёки вақтни нотўғри кўрсатади. Миллий тараққийот худди соат каби жамиятнинг барча мурвати ҳаракатда бўлишини талаб қилади. Президентимиз томондан амалга оширилаётган ҳоқ сиёсий, ҳоқ иқтисодий, ҳоқ маънавий ислохотлар бўлсин, барчасининг тағида миллий тараққийот учун жамиятнинг барча “мурвати” ҳаракатга келтириш, бунинг учун миллатни маърифатли қилиш саъй-ҳаракати ётади.

Янги Ўзбекистонни пайдо қилиш, қуриш учун таълимга уруғ берилаётгани оддий ишидан тортиб, академиккача, башхидан тортиб макомчиғача, сиёсатчи оқтисодчиғача — барча касб эгаси зиммасига катта вазифа юклайди. Яъни бу, янги тараққийотни яратадиган авлодни тарбиялашга ўз улушини қўлиш вазифасидир. Бунда, аввало, фикр тарбияси ҳал қилувчи ўрин тутадикки, ушбу шарафли юмш жамиятда ҳамжиҳатлик, миллий уйғониш ва тараққийотнинг заминидир.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи директори,
филология фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанин хандаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилар кўчаси, 32-йй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6